

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТУШУНЧАСИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

Исоқов Зафар Гофуржон ўғли

Жамоат хавфсизлиги университети

Магистратура тингловчиси

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизмат тушунчаси ва унинг турлари, таснифланиши ва юридик табиати ёритилган бўлиб, бурч ва мажбурият тушунчалари, Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ривожланиш тарихи, ҳарбий соҳада мустақилликка эришилгандан кейинги қийинчиликлар тўғрисида ўринли мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Қонун, бурч, мажбурият, ҳарбий хизмат, армия, муқобил хизмат, Низом, муддатли ҳарбий хизмат, стратегия, қурол-аслаҳа, мудофаа салоҳияти.

ПОНЯТИЕ И ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Исаков Зафар Гафурджан угли

Университет общественной безопасности

магистрант

АННОТАЦИЯ:

В данной статье освещены понятие воинской службы в Республике Узбекистан и ее виды, классификация и правовая природа, понятия долг и обязанность, обязанность каждого гражданина по защите Родины, история развития Вооруженных Сил Республики Узбекистан, трудности в военной сфере после обретения независимости.

Ключевые слова: *Закон, долг, обязанность, военная служба, армия, альтернативная служба, Устав, военная служба, стратегия, вооружение, обороноспособность.*

CONCEPT AND LEGAL NATURE OF MILITARY SERVICE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Isakov Zafar Ghafurjan Ugli

University of Public Security

Master

ANNOTATION:

In this article, the concept of military service in the Republic of Uzbekistan and its types, classification and legal nature are highlighted, the concepts of duty and obligation, the duty of every citizen to protect the Motherland, the history of the development of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan, the difficulties in the military field after independence are discussed.

Keywords: *Law, duty, obligation, military service, army, alternative service, Regulation, military service, strategy, weapons, defense potential.*

Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик – тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя

қилишда “Халқ ва армия – бир тану бир жондир” деган тамойил асосидаги яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

“Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар [қонунда](#) белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”¹

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!

Она Ватан! Нима учун Ватанни она сўзи билан ёнма-ён ишлатамиз?

Чунки, Ватан ҳам онамиз сингари азиз, меҳрибон ва қадрлидир. Инсон дунёга келмасидан аввал онанинг вужудида улғайса, дунёга келганидан кейин эса энди Она Ватанда униб ўсади. Кишининг туғилганда киндик қони тўкилган ер унинг Ватани ҳисобланилади. Мана шу Ватанини асраб-ардоқлаш, ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Ахир доноларимиз бекорга айтишмаганку:

Туғилган ердан кўнгил узилмас,

Юрт кўриганнинг юрти бузилмас.

Юртда ватанни севадиган, ардоқлайдиган ва ҳимоя қиладиган мардлар бор экан шу юрт доимо юксалаверади, гуллайверади. Ҳар бир эл, ҳар бир миллат учун ўзининг туғилиб ўсган ватанидан ардоқлироқ маскан бўлмаса керак. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб кетаётганларида Маккаи мукаррама томонга юзланиб: «Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳечам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлар эдим», - деган эканлар.

Демак, Она ватанини севиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаш ва соғиниб яшашлик инсоният фитратида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир. Қаерга

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси.

бормасин киши ўз ватанини барибир кумсайверади. Чунки, инсон дунё юзини кўргач биринчи бўлиб ватанидаги ҳаводан нафас ола бошлайди, ватанидаги тупроқда илк қадамларини қўйиб юришни ўрганади, дунёни танишни шу ватанни англашдан бошлайди. Илк киндик қони тўкилган, дастлабки қадамларини қўйган тупроқни ҳимоя қилишлик барчамизнинг Ватан олдидаги муқаддас инсонийлик бурчимиз ҳамдир.

Ўз ўрнида “Бурч” ўзи нима? – деган савол туғилади. “Бурч” сўзи турли давлатларда турлича таъриф берилган.

Бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади. Яъни, у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий негизлари билан белгиланади. Бурчнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди. Бурч иймон-эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчарс боғлиқ.

Инсоннинг мажбуриятлари ҳақида француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо ўзининг “Ижтимоий шартнома” асарида қуйидагича изоҳ беради, “Фуқаролик эркинлиги, фуқаролик мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг индивидда қоладиган ҳуқуқлардан иборат бўлади. Бу мажбуриятлар фақат қонун билан юклатилиши мумкин. Қонун эса ижтимоий шартномага биноан ҳамма фуқаролар учун барабар бўлган”².

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бурч – қайсидир маънода мажбурият ҳам эканлигини ҳулоса қилишимиз мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ХИ боби айнан фуқароларнинг бурчлари тўғрисида бўлиб, шу бобнинг 52-моддасида эса Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги айтилиб, қонунда белгиланган тартибда улар ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур эканликлари белгилаб қўйилмоқда. Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси тўғрисида қуйидагича фикрларни келтириш мумкин:

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 29-моддасида айтилишича, “ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлоқ, жамоат тартиби, умумий

² Инсон ҳуқуқи. Дарслик. М.Х.Рустамбаев ва бошқ. Тошкент “Юридик адабиётлар публиш” 2022. 426 бет

фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак”³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, “Халқимизда “Қарс икки кўлдан чиқади”, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни, Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган”. Маълумки, ҳуқуқ ҳуқуқ шахсга табиат, жамият, давлат томонидан бериладиган ўз ҳаракатининг тури ва меъёрини танлаб олиш имконияти бўлса, бурч жамият ва давлат томонидан белгиланган ва ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган талабларни бажариш заруриятидир. Бурч асосан қоидалардан, ахлоқий нормалардан келиб чиқади, мажбурият эса аксарият ҳолларда шартнома ва битимлардан келиб чиқади; бурч шахс туғилгандан то умрининг охирига қадар давом этади, мажбурият эса шартноманинг амал қилиш давригача бўлади.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганлигини англаб етиши лозим⁴.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўз фуқаролик бурчини онгли равишда англаши ва мана шу бурч унинг фуқаролик мажбуриятларини келтириб чиқаришини билиши лозим. Мана шу бурч ва мажбуриятларга содиқ қолиш, уларни келажак авлодга етказиш, ёшлар онгига “ўзгармас” даражада ўз вақтида сингдириш бурч, мажбуриятларни англаш билан ажралмас бир бутунлик десак муболаға бўлмайди.

Шундай экан, ота-она улуғ зот эканлиги, уларни ҳурмат қилиш, ардоқлаш каби тушунчалар қаторида Ватан олдидаги бурч ва мажбурият тушунчалари инсон онгига болалигидан оилада сингдирилиши лозим. Ана шунда биз ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбияланган, ҳеч қандай ғоя ва мафкура унинг Ватанга бўлган меҳрини йўқ қила олмайдиган, содиқлик руҳиятини,

³ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т: Адолат, 2002, 48-54-бетлар.

⁴ Инсон ҳуқуқи. Дарслик. М.Х.Рустамбаев ва бошқ. Тошкент “Юридик адабиётлар публич” 2022. 424-439 бетлар

маънавиятини синдира олмайдиган тафаккурга эга, маънавий етук ҳақиқий мард ўғлонларни, Амир Темурларни, Жалолиддин Мангубердиларни кўришимиз мумкин. Қуролли Кучларимизда шу каби ўғлонлар бор экан, Давлат суверенитетига ҳеч қандай ташқи таҳдид ва тажовузлар хавф солмаслигига Ўзбекистон халқида ишонч бўлади десак, айти ҳақиқат бўлади.

Яқин ўтмишга назар солсак, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилларда кўплаб армия офицерлари Ўзбекистон ҳудудини ташлаб кетишди. Натижада ҳарбий кадрлар етишмовчилиги юзага келди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Бош штаби биринчи навбатда армия учун зобитлар таёрлаш тизимини яратишига тўғри келган.

Мутахассислар ҳарбий билимнинг асосий қисмини яратишди. Унинг асосига бир неча асосий тамойиллар қўйилган эди. Улардан бири – собиқ Иттифок меъросини тубдан йўқ қилмасдан балки аксинча уни янги тизимга секин-секин мослаштириб, босқичма-босқич олға юриш эди.

Истиқлол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилган.

Мустақилликка эришганимздан сўнг тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга ўзимизнинг амалга оширган туб ислохотларимиз сабабли эришдик.

Хозирги кунда Ўзбекистон армиясини ўзига хос хизмат турларига эга бўлган, замонавий ўқ-отар қуроллар, ҳарбий техника ва махсус воситалар билан таъминланган профессионал армия қаторида ҳисобланиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи, МДҲ давлатлари ўртасида эса учинчи, дунё давлатлари ўртасида эса 53 ўринда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Қуролли Кучларимизни тубдан ислох этиш бўйича тизимда бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Қуролли Кучлар тизимларида ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгиловчи 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Умумий

ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни яққол мисол бўла олади.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикасининг “**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**”ги 2002-йил 12-декабрдаги 436-П-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади.

Шунингдек, ушбу Қонун I. Умумий қоидалар (1-11-моддалар), II. Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш (12-17-моддалар), III. Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ва кириш (18-25-моддалар), IV. Ҳарбий хизматни ўташ (26-29-моддалар), V. Резервдаги хизмат (30-36-моддалар), VI. Муқобил хизмат (37-41-моддалар), VII. Ҳарбий рўйхат (42-45-моддалар), VIII. Сафарбарлик бўйича чақирилиш тўғрисида ва ҳарбий хизматдан бўшатиш (46-48-моддалар), VIII¹. Ҳарбий хизматчиларнинг, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг (тингловчиларининг), ҳарбий йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги (48¹-48⁵ - моддалар), IX. Яқунловчи қоидалар (49-51-моддалар)дан ташкил топган.

Умумий ҳарбий мажбурият – бу фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёролашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматни қуйидаги турлари мавжуд:

- Муддатли ҳарбий хизмат;
- Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- Контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра

Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

Ўзбекистон Республикасининг **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги 2002-йил 12-декабрдаги Қонунининг 4-моддасига биноан саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли, ёши ўн саккиздан йигирма етти ёшгача бўлган эркаклар муддатли ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақириладилар.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 22-моддасида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этиш тартиби белгиланган.

Унга кўра, тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидагилар озод этиладилар:

1. саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;
2. яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;
3. рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Ушуб модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонунда ҳарбий хизмат турлари қуйидагича таърифланган:

Муддатли ҳарбий хизмат - чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобида 12 ой этиб белгиланади.

Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар 27 ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар 27 ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Бунда ҳақиқий ҳарбий хизматга контракт бўйича кираётган шахслар билан дастлабки контракт 5 йилга тузилади; контракт бўйича ҳарбий хизматчилар (резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар) билан янги контракт 5 йилга ёки агар ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етишига 5 йилдан кам қолган бўлса, камроқ муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида 5 йил мажбурий ўташи шarti билан контрактлар тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва

муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати 24 ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойни ташкил этади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлишнинг бошланиши:

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган чақирилувчилар ҳамда захирадаги офицерлар учун — ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари органида ҳозир бўлган кун;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган шахслар учун — ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контракт кучга кирган кун;

олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган таълим муассасаларига ўқишга кирган чақирилувчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар учун — тегишли таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган кун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳарбий лавозимга тайинланган шахслар учун — тегишли фармон, қарор ёки фармойиш имзоланган кун ҳисобланади.

Ҳарбий хизматдан резервга бўшатилиши ёки истеъфога чиқарилиши муносабати билан ҳарбий қисм командирининг буйруғига биноан шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган кун ҳарбий хизматчи учун ҳарбий хизматда бўлишнинг тугаши ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда ҳарбий хизматчи шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилмайди:

1. Стационар даволанишда бўлса;
2. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилида (ҳарбий хизматчи аёллар) ёки болани парваришlash таътилида бўлса;
3. Асирда бўлса, гаровда ушлаб турилган бўлса;
4. Бедарак йўқолган бўлса – қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунигача ёки вафот этган деб эълон қилингунигача қадар;
5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган бошқа ҳолларда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонунига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон [Қарори билан тасдиқланган](#) “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини Ватанига содик, ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёр бўлган фуқаролар билан бутлаш, улар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва шароитларини, қўшинларнинг давлатнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доимий жанговар шайлигини таъминлаш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари тартибга солинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ҳарбий хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар салоҳиятларини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб қувватлаш, ҳарбий хизмат ўташ шароитларини янада яхшилаш каби соҳаларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кундаги 60-сон Фармонидаги “Ҳаракатлар стратегиясидан – Таррақиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишнинг еттинчиси айнан мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш тўғрисида бўлиб, ундан ташқари мазкур фармон

билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш мақсад этиб белгилаб олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти олиб бораётган оқилона сиёсатларига мувофиқ Янги Ўзбекистоннинг тараққий этишида мақсад этиб белгилаб олинган марраларга эришишда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари бир тан-у бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқлари, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишлари, Қуролли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айлантиришни таъминлаш, Қўшинларда мавжуд замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникалардан моҳирона фойдалана олиш, уларни ҳар қандай шароитда қўллаш билиш ва бошқа шу каби тадбирларни сифат жиҳатидан юқори савияда бажаришлари ва доимий жанговар шай ҳолатда бўлишни таъминлашлари пировард мақсад бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни
3. Р.С.Артиков “Ҳарбий қонунчилик асослари” ўқув қўлланма.
4. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т: Адолат.
5. Инсон ҳуқуқи. Дарслик. М.Х.Рустамбаев ва бошқ. Тошкент “Юридик адабиётлар публиш” 2022.
6. <https://uz.m.wikipedia.org> internet sayti